

ЗАРГАРЛИК САНЪАТИ

*Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи
хотира ва қадрлаш бўлими илмий ходими*

Д. Юлдашева

Заргарлик санъатида безак буюмлари тайёрлашда метални эритиб қуйиш, зарб билан ясаш, ҳаллаш (олтин ва кумуш суви юритиш) бўртма ёки ўйилган ҳолда нақш тасвирлаш, босма қолипчи каби усуллардан кенг фойдаланилади. Қимматбаҳо гавҳар, феруза, ёқут, дур каби тошларга ишлов берилиб, уларни янада бежирим ва кўркем қилиб, ишлов берилган кўзлар қадалади.

Заргарликда қадимдан «соф метал» деб номланган кумуш заҳар ва ёмон нарсалардан сақлайди, деб билинган. Одамлар марвариддан ясалган тақинчоқлардан кенг фойдаланишга ҳаракат қилишган, боиси, марварид кўплаб касалликларга шифо, дея қаралган.

Ватанимиз мустақилликка эришгандан сўнг ҳунармандчиликнинг барча соҳалари қатори заргарликка ҳам янада кенг йўл очилиб, заргарлик санъат даражасига кўтарилди, турли қийматликдаги металллардан фойдаланишга имкон яралди. Айни кунда уста заргарлар 2 хил: маҳаллий унутилиб борилаётган анъаналарни қайта тиклаш ҳамда замонавий услублар йўналишларида самарали меҳнат қилмоқдалар.

Ўзбекистоннинг заргарлик саноатида ишлатиладиган рангли металллар, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар мамлакатимиз саноат корхоналарида ишлаб чиқарилади ҳамда конлардан қазиб олинади. Айни пайтда дунёнинг заргарлик саноати ривожланган мамлакатлари қаторига АҚШ, Италия, Буюк Британия, Германия, Франция, Россия, Украина, Ҳиндистон, Хитой каби давлатларни киритиш мумкин. Мустақиллик йилларидан бошлаб Ўзбекистонда ҳам заргарлик кенг ривожланаётган соҳалардан бирига айланди.

халқ хунармандчилиги қадимдан бери ривожланиб тармоқланиб келаётган соҳалардан бўлиб ҳисобланади. Хунармандчилик соҳаси кўп тармоқли соҳа бўлиб заргарлик санъати, дўппидўзлик, каштачилик, наққошлик ва бошқа кўплаб соҳалари бўлиб, бу соҳани ривожланиши учун уста хунармандлар, соҳа эгалари зўр маҳорат билан кўламли ишлар олиб боришмоқдалар. Халқ хунармандчилигини ўрганиш ва ўргатиш, бу соҳада янгиликлар яратиш, яна янги йўналишларни очиш, янгиликларни тарғиб этиш, ёш авлод учун керакли қўлланмалар қолдириш, ҳар бир йўналишдан қадимий ва антик даврга хос бўлган топилмаларни сақлаб қолиш, соҳа доирасида янгиликлар яратиш учун эски наъмуналардан андозалар яратиш ва янгилик сифатида тарғиб этиш лозим. Қадимдан шаклланиб ривож топиб келаётган бу касб ота боболаримиз даврида ўзига хос кўринишларга эга бўлган бўлса бугунги кунга келиб, замон ва фан тараққий топиш билан халқ хунармандчилигининг ҳам асл кўриниши ўзгариб янгича замон талабига кўра ўзгариб янгиланганлигини кўришимиз мумкин бўлади. Лекин қадимийликни йўқотмаган ҳолда янги замон билан уйғунлаштириб янада нафис ва чиройли бўлган наъмуналар яратишимиз жоиз. Қадимда кекса заргарларнинг айтишича: “Дунёда биттаю –битта аёл қолса ҳам, заргарларга олам жаҳонда иш топилади” – деган эдилар. Шундай экан оламдаги барча аёллар учун энг керакли бўлган атри, упасингари зеб-зийнат буюмларининг ўрни беқиёсдир. Қадим замонлардан бери аёлларимизнинг энг севимли буюмларидан бири бу заргарлик буюмлари бўлиб келган. Қадимда зеб-зийнат буюмларининг кўринишига, шаклига, безакдорлигига, қимматбаҳо тошлар билан безатилганлигига қараб аёлларнинг нафис дидлигига, қайси қабила ёки уруғга мансублигини, инс-жинсларга ишонувчанлигини, бой ёки камбағаллигини тақиб юрган тақинчоқларига қараб туриб билиб олишган. Заргарлик буюмлари энг ёши катта аёллардан тортиб бешикда ётган чақалоқ қизалоқлар учун ҳам нафис тақинчоқлар моҳир уста заргарлар томонидан маҳорат билан тайёрланган. Бу даврларда тақинчоқлар, зеб-зийнат буюмларини мис, темир, кумуш гардишли рангли тошлар, жонивор ва

кушларнинг тиш ва тирноқларидан, кўзмунчоқлардан тақинчоқлар ясаган. Заргарлик сўзининг асил маъно мазмуни бадиий ҳунармандлик соҳаси; олтин, кумуш, мис, қалай каби рангли металллардан зеб-зийнат буюмлари (тақинчоқлар), безак буюмлари ясаш касби. Ўз даврида Хива, Бухоро, Самарканд, Қўқон шаҳарлари XIX аср заргарлик санъатининг энг йирик марказлари ҳисобланган. Ўзбек заргарлиги жуда қадимий тарихга эга. Унга ибтидоий жамоа тузуми даврида асос солинган. Археологик топилмалардан маълумки, заргарлик санъати жуда қадимий ҳунар бўлган [1, Б.147]. Эрамизгача бўлган I асрдан бошлаб эрамизнинг қадимий қалъаларнинг чиройли ҳайкаллар, девор безаклари орқали заргарлик санъатини ривожланганлигини кўриш мумкин. Хоразмдаги Тупрок қалъа деворларидаги тасвирлардан ўша даврлардаги аёллар қулоқларига нафис зирак таққанлари маълум. Ўзбек заргарлик санъати тараққиёти Осиё ва Шарқ мамлакат халқларининг сиёсий ва этник тарихи унга қўшни мамлакатлар тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Мил.ав. I –III асрлар мобайнида ҳукм сурган Ахмонийлар сулоласига мансуб Амударё хазинасидаги заргарлик буюмлари юқоридаги фикримизни тасдиқлайди. Ҳайвон тасвири тушурилган ва фερуза кўзлар қадалган тилла билак узуклар юксак маҳорат билан ишланган асарлар ҳисобланади [2, В.89]. Заргарларнинг қай даражада маҳоратли эканлигини уларнинг ясаган нафис тақинчоқларининг намуналаридан кўришимиз мумкин. Заргарлик санъати ўзбек миллий –бадиий маданият тарихининг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Заргар усталар томонидан ясалган буюмлар, улар яшаган давр санъатининг услубий хусусиятларини ўзларида намоён этадилар. Заргарлик ибтидоий жамоа тузумидан буён ҳозирги кунгача сайқалланиб ривож топиб келаётган касб ва соҳа ҳисобланади.

||| Заргарлик касби буюк бобокалонларимиздан ота мерос бўлиб асрлар давомида янада ривожланиб ҳозирги кунда юксак даражага чиқиб бутун инсоният тарихини қамраб олган ҳунар сифатида сайқалланиб келинмоқда. Бугунги кунга келиб заргарлик буюмларига бўлган талаб янада ошиб заргарларга бўлган талаб

хам шунга қараб янада кучайиб кетди. Заргарларнинг юксак маҳорати туфайли дунёга келган ҳар бир буюм натижада баъдий ишлов берилган пардоз буюми зеб –зийнат буюмига айланган. Заргарлар томонидан ясалган ғоят бежирим ишланган нақшинкор, баланд гардишларига ўрнатилган йирик феруза, кўзли узуклар кишилар орасида алоҳида қизиқиш уйғотган. Абу Райхон Берунийнинг ёзишича феруза ғалаба, бахт–саодат, тантана, омад, фаровонлик сифатини билдирувчи тош бўлган. Ҳозирги кунда ҳам бундай услубда ишланган тақинчоқлар узуклар нафисликни қадрловчилар томонидан ўзгача қизиқиш ва зўр ҳайрат билан қарши олишади [3, Б.104]. Заргарларнинг ҳозирги кундаги санъат наъмуналари ҳам хотин қизларимиз томонидан қадрланади. Заргарларимиз томонидан яратилаётган нафис тақинчоқлар ҳар бир миллатда ўз қадр-қимматига эга. Масалан, мусулмонларда феруза, марварид, зумрад ва бошқа тошли заргарлик буюмлари ниҳоятда қадрланган. Улар инсон учун фақат безак буюмлари бўлиб қолмай, балки соғлиқ учун ижобий таъсир этган: марварид, инсон организминини мустаҳкамлайди, юракдаги тушкунлик ва истиробни хайдайди, кўз қобилятини оширади, жинслардан сақлайди, оғиздаги қуланса хидларни юқотади, ошқозондаги тошларни майдалайди. Заргарларнинг маҳорати ҳам шунда қимматбаҳо тошларни маҳорат ила нақшлар билан ясаб турли хилдаги тақинчоқларга жойлашади. Заргарлар бундан ташқари тошларни жилолаш, сайқал бериш, ҳар бир тошнинг хусусиятлари билан ўрганиб нафис тақинчоқлар ясашади. Заргарлар ҳам ўз даврида турли миллатга қарабтурли хилдаги тақинчоқларни ясашган. Шундан маълум бўлганки, шарқ мамлакатлари ёки Европа давлатларининг зеб-зийнат буюмлари бир-биридан фарқ қилиб турган, бундан ташқари, нафис тошлар ҳам миллатлар кесимида фарқланган. Қадимда ёқут кўзли рангли тошлардан ясалган узуклар эгасининг исми шарифи битиб ёзилган муҳр узуклар махсус заргарлар томонидан тайёрланар эди. Бугунги кунда ҳам маҳоратли заргарлар томонидан ёқут кўзли узуклар ва тақинчоқлар тайёрланмоқда. XIX –XX асрларда тилла, кумуш, бринж, мис, қимматбаҳо тошлар, шишадан зеб

–зийнат буюмлари ясалган. Тилладан асосан буюмларга тилла суви юритишда фойдаланилган XX аср бошига келиб тиллани ўзидан заргарлик буюмлари яша янада ривожланди [4, Б.246]. О‘збекистон мустақилликка эришгандан со‘нг заргарлик сан’ати жонланди. Қимматбаҳо металл материаллардан фойдаланишга имкон яратилди. Ҳозирги кунда заргарлик соҳасининг ҳам турли тармоқлари йўналишлари мавжуд бўлиб ижод қилаётган усталар, асосан, икки йўналишда: маҳаллий заргарлар, унутилиб бораётган, ан’аналарни қайта тиклаш ва ан’анавий замонавий услубда заргарлар буюмлари яратиш устида ижод қилмоқдалар. Бу эса ўз даврида заргарлик санъатини янада ривожланиши заргарлик ан’аналарини о‘рганиш, ривожлантириш ва янги йўналишларни кашф этиш борасида қатор ишларни амалга оширди. Бугунги кунда заргарлик буюмларини ясовчи энг машҳур давлатларга Ҳиндистон, Тибет, Непал ва Туркияда ҳамда Ўзбекистонда ҳам заргарлик касби ривожланиб келмоқда. Ўзбекистонда заргарлик саноатлари ҳам ривожланиб катта саноат зоналарига айналиб бормоқда. Бу эса ўз даврида заргарлик соҳаси билан бирга саноатимизни ҳам ривожланишига олиб келади. Заргарлик саноати –юксак бадий ишлов бериш йўли билан нодир металллар ва қимматбаҳо тошлардан, шунингдек, бошқа металллардан буюмлар, тақинчоқлар ишлаб чиқарадиган саноат тармоғи. Заргарлик саноатида хом - ашё сифатида қимматбаҳо ва рангли металллар (платина, олтин, кумуш ва б.), уларнинг қотишмалари, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар (феруза, фионит, олмос, ақиқ, зумрад, ёқут), табиий тошлар, пластмасса, суяк, эмал, шиша ва б. ишлатилади.

||| Заргарлар учун уларнинг асосий иш қуроллари турли металллар қимматбаҳо тошлар, сайқаллаш учун зарур асбоб ускуналар, пардозловчи буюмлар ва заргарнинг нозик қалби нафис тақинчоқнинг дунёга келишига сабаб бўлади. Хулоса қилиб айтганда заргарларнинг юксак маҳоратлари нафис қалби маҳсули бўлган заргарлик буюмлари Ўзбекистонимизнинг моддий ва маънавий бойлигини ҳамда мамлакатлар ўртасидаги мавқеини белгилаб беради. Бундан кўриниб турибдики, халқ ҳунармандчилиги умуман олиб айтганда, ҳунармандчилик касби нафақат

мамлакатимизни балки уста ҳунармандларнинг ҳам бойишига замин бўлади, десак муболаға бўлмайди. Шундай экан ҳунар ўрганиш ва соҳани ривожлантириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуллаева Р. Г. Ҳунармандчилик тараққиётининг тарихий ва институционал асослари, Иқтисод ва молия, 2017, 147-б.
2. Абдуллаев Н. Санъат тарихи. 2т-Т.; «Санъат» 2001, 89-б.
3. Қурбанова Й. Амалий санъат буюмларига бадиий ишлов беришда турли ранглардан фойдаланиш. БМИ. Тошкент – 2014, 104-б .
4. Б.Қурбонов, Г.Қурбанова Технология Ва Дизайн Тошкент -2020, 246-б